

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



# **ZAMONAVIY OLIV TA‘LIM TIZIMI: MUAMMO VA YECHIMLAR**

**Xalqaro ilmiy konferensiya  
2022-yil 22-noyabr**

Oliy ta'lim darajasida amalga oshirilayotgan tadqiqotlarning natijaviy samaradorligini yanada oshirish, professor-o'qituvchilar va mutaxassis-olimlar tomonidan olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot faoliyati asosida yaratilayotgan ilmiy-texnologik ishlanmalarning tegishli sohalarga operativ tatbig'ini ta'minlash ilmiy-innovatsion hamkorlikning asosiy tamoyilidir. Mazkur to'plam O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-martdagi 101-F-sonli Farmoyishi asosida tasdiqlangan "Zamonaviy oliy ta'lim tizimi: muammo va yechimlar" mavzusidagi xalqaro ilmiy konferensiya materiallaridan iborat.

To'plamda Oliy ta'lim sifatini takomillashtirishda raqamli texnologiya va innovatsiyalarning ustuvor yo'nalishlari bilan bog'liq taklif va tavsiyalar ishlab chiqishning dolzarb masalalarini ilmiy-nazariy jihatdan qiyosiy o'rganishga e'tibor qaratilgan.

Xalqaro ilmiy konferensiya maqolalar to'plamini tayyorlash uchun mas'ullar:

**Mas'ul muharrir:** B.B.Sobirov, texnika fanlari doktori, professor.  
NavDPI rektori

**Ilmiy muharrir:** N.O.Safarova, falsafa fanlari doktori, professor.  
NavDPI Ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri

**Taqrizchilar:** E.E.Karimov, tarix fanlari doktori, professor. Nyu York Xofstra universiteti professori (AQSh) YUNESKONing Butunjahon yodgorliklari hujjatli merosini himoya qilish qo'mitasi a'zosi.

Sh.O.Madayeva, falsafa fanlari doktori, professor  
O'zbekiston Milliy universiteti falsafa va mantiq kafedrasini mudiri,

**Texnik muharrirlar:** U.Q.Tilavova PhD, M.X.Norqobilov PhD.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

## **“ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ”**

**А.М.Кадиров-  
БухДу профессори**

Мустақиллик шарофати билан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини давлатимиз раҳбарининг “бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўқув юрти битирувчиларининг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизими ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади” – деган фикрларидан ҳам англаб олиш мумкин.

Мазкур фикрларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, тафаккурини ривожлантириш жараёнига, яъни таълим-тарбия жараёнига ҳамда билим даргоҳларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин, бу ўз навбатида талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш заруриятини ҳам белгилайди.

Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни уларнинг дунёқарашини ўзгартиришга, уларда ғурур, ор-номус, меҳр каби қатор туйғуларни, яъни миллий менталитетимизга мос ва хос туйғу ва хусусиятларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур жараёнда талабаларга мустақилликнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурияти ҳақида тушунчалар берилиши натижасида, яъни мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш талабаларда ҳаётга, ўқишга ва меҳнат қилишга, ота-онага, дўстлари ва бошқа яқинларига, тенгдошлари ва танишларига, умуман олганда халқимиз ва миллий бойлигимизга, Ватанимиз ва Давлат рамзларига, умуммиллий кадриятлар ва миллий урф-одатларимизга эгаллик қилиш ҳамда ўз вақтида ҳимоя қила олиш масъулиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Талабаларда мустақилликнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурияти ҳақида, шунингдек, мустақилликка эришишни орзу қилиб яшаб ўтган буюк алломаларимиз, ота-боболаримизнинг ҳаёти, ушалмаган орзу-мақсадлари ва улар қолдирган мерос ҳақида тушунчалар берилиши талабаларда мустақил мамлакатимизнинг истиқболли келажаги учун тинмай меҳнат қилиш, мустақилликни қадрлаш ва асраш, унинг келажаги ҳақида қайғуриш, ўз халқи ва мамлакати ютуқлари билан мағурурланиш, ўзлигини англаш ва миллий анъаналарга содиқ бўлиш, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги йулида ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр туришга ўргатади ҳамда мазкур йўналишлардаги зарурий ҳис-туйғуларни шакллантиришга алоҳида ёндашиш керак бўлади.

Мустақиллик мафқурасининг шаклланиш босқичлари, маънавий уйғониш ва миллий ўзликни англаш, миллий тараққиёт йўлини излаш; таълим-тарбия жараёнларини мустаҳкамлаш, кадриятларни тиклаш, ҳамда мустақилликнинг мазмуни ва моҳияти каби масалалар кенг тушунилади.

Келажакда муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатиши мумкин бўлган лавозимлар ва уларнинг функционал вазифалари йўналишида қуйилган талаблар ҳамда талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини моделлаштириш масаласи ҳам эътибор қаратиш лозим.

## **МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН АҚЛИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА БАЙНАЛМИНАЛ АХЛОҚИЙ, ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ**

**Кадирова Нозима Арифовна-БухДУ уқитувчиси**

Мустақиллик шароитида кишиларнинг ўзаро муносабатлари бутунлай янги мазмун касб этиб, ахлоқий ва инсонпарвар характер касб этади. Бундай шароитда тарбия бутун жамиятнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Мадомики, ёшлар тарбияси шунчалик муҳим экан, тарбия орқали уларга инсон инсоний фазилатлар сингдирилар экан, уларга таъсир этишнинг ички ва ташқи механизмларини тарбиячи яхши билиши зарур. Бунинг учун энг аввало таъсир этувчи тарбия объектини, яъни талаба шахсининг педагогик ва психологик хусусиятларини билиши зарурдир.

Инсон дунёга биологик зот сифатида келади. Лекин биологик зот эканлиги унинг моҳиятини тўла ифода этмайди. Унинг моҳияти ижтимоий мавжудот эканлигида, ижтимоий омил инсонни шахс бўлиб шаклланиши учун муҳим ҳисобланади. Инсон мураккаб субъектив тизим сифатида ижтимоий ва биологик хусусиятларнинг таъсири остида шаклланади ва ривожланади. Бу икки хусусият шахс шаклланишида ўзаро боғлиқ бўлиб, ички ва ташқи омилларга ўз таъсирини ўтказиши. Инсон тарбияси тўғрисида гапирганда ички (биологик) ва ташқи (муҳит) омиллар билан бирга бошқариладиган ва ҳамма вақт ҳам бошқариш мумкин бўлмаган тасвирларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Шу омилларни ҳисобга олиб ҳар бир олий ўқув юртида талабаларни тарбиялашнинг ўзига хос тизими яратилиши керак. Унда мақсад, мазмун принциплар, шакл ва методлар ўзаро боғлиқликда талабаларнинг шахсий сифатларини камол топтириш ва танлаган мутахассислигини чуқур эгаллашга замин ҳозирлаши лозим. Бундай тарбиявий ишлар тизими маълум талаб ва принциплар асосида тузилиши керак. Чунончи ворислик принципи авлаги анъаналарга таяниш ва давом эттириш, талабаларни жипслашувига, ташаббус кўрсатишига даъват этади...

Тарбиявий ишларда маълум кетма-кетлик, изчиллик, мунтазамликка риоя қилиш, ишларни бир маромда, яхлит мантиқ режимда боришини таъминлаб, узилишлар, тасодифий табдирларни олдини олиб, талабалар ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, тарбиявий ишларнинг мазмунан ва шакл, методларини мураккаблашиб боришига олиб келади.

Талабалар тарбиясининг узлуксиз ташкил қилиш олиб бориладиган ишларнинг вақт жиҳатидан текис бориши, зўриқиш ва пасайишини ўзаро алмашинувини таъминлаб ўқув йили давомида бир маромда бориши асосида стихиялилик, компаниябозлик, ёки штурм тарихида олиб боришга чек қўяди.

Талабалар билан олиб бориладиган тарбия иш тизимининг мазмуни тарбия таркибий қисмлари ақлий ватанпарварлик ва байналминал ахлоқий, ғоявий-сиёсий, ҳуқуқий, меҳнат, жисмоний, эстетик, диний, экологик, жинсий, иқтисодий бўлиб, талабаларнинг турли фаолият турлари якка индивидуал, гуруҳли жамоавий, оммавий-умумий шаклларда гуруҳ раҳбарларидан тортиб ўқув юрти раҳбарлари иштирокини ўз ичига олади. Унинг мазмуни турли шакл ва методлар орқали амалга оширилади.

Талабалар тарбиявий иши мураккаб тузилишига эга. Уни бир қанча компонентлар: режалаштириш, ташкил қилиш ва фаолиятни таҳлили ўқитувчиларнинг педагогик ишлари бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги тарзида қараш керак бўлади.

Ўқув юртидаги тарбия тизимининг муҳим хусусияти талабаларни тарбиялашнинг умумий таркибий қисми сифатида таълим жараёни билан яхлитликда олиб борилишидир. Унинг ҳамма компонентлари ягона мақсад-юксак ахлоқли касбини чуқур эгаллаган бўлажак мутахассисларни шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Тарбиявий тизим компонентларининг ўзаро алоқадорлик ва бир-бирига ўзаро таъсири муқаррар заруриятдир. Бунда тизимнинг бирор элементи бўлмаса ёки ишламасе тизим соат механизмидай ишлай олмай, ишдан чиқади.

Шу билан бирга олий ўқув юрти талабаларини тарбиялаш тизими динамик характерга эга бўлиб йилда йилга вазифа, мақсад, мазмуннинг ўзгариб, мураккаблашуви асосида қурилиши керак. Бундай тизим учун яна бир муҳим талаб уни бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришга асосланишидир.

Инсон фаолиятининг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлган олий ўқув юртида талабалар тарбиявий тизимини бошқариш учун уни ҳамма томонларини аниқ тасаввур қилиш ва чуқур билиш керак.

Аммо кузатишлар ва сўровлар шуни кўрсатадики, амалда тарбиявий иш олиб бораётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам бу ҳақда аниқ тасаввурга эга эмас. Айримлар тизим деганда ишларнинг кетма-кетлигини бошқалар тадбирларни даврий такрорланишини, учинчи кишилар фаолиятнинг ҳар томонлама йўналишини тушунадилар. Бунинг оқибатидаги турли-туманлик бир хилда тарбиявий жараёни ташкил қилишда салбий таъсир қилади. Бу биринчидан, талабалар тарбиявий жараёни ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлмаслик, кўпчилик ҳолларда илмий-методик адабиётларни ўқиб, тегишли маълумот олиш хоҳишининг йўқлиги туфайли тарбиячилар хусусий, бир-бирига боғланмаган, алоҳида қисмлар йўналишлар, элементлар билан иш кўриб, бутун тизим яхлитлигини тушуниш даражасига кўтарилмайдилар.

Иккинчидан, ҳар ҳолда шу асосда тизим ташкил қилинган бўлса-да, у ишда кўп хато қилиш, тузатиш усулида бўлиб, кўп куч ва вақтни сарфлаш орқали бўлиши мумкин. Аммо тарбиявий жараёнинг илмий асосларини билиш, тизимни юқори унум билан ишлашига, кам хато ва зўриқишларсиз юқори натижага эришиш гарови бўла олади.

Кузатишлар тарбиявий ишларни ташкил қилишда типик учрайдиган қатор камчиликларни аниқлаш имконини берди. Чунончи, кўп учрайдиган камчилик тарбиявий мазмунини тўлиқ эмаслиги. Бунинг оқибатида тизимнинг дастлабки ҳолатини аниқ тасаввур қила олмай, тарбиячилар шакл билан мазунини бир-биридан фарқ қила олмай режалаштиришни эса шакллари вақт, жой жиҳатидан бажарувчиларни тақсимлаш билан алмаштирадилар. Шунинг оқибатида тизимдан қайсидир компонент тушиб қолади. Тарбиячи ўз ишининг мақсади ва мазмунини аниқ белгилаши лозим. Шакл мазмунига мос танланади, шакл белгиловчи эмас, балки эргашувчидир. Мақсадни тўғри белгилай олмаслик талаба шахсини бирёқлама шаклланишишига, етук шахс бўлишига салбий таъсир қилади. Тарбиявий ишларни ташкил қилишда шахсга ва уларнинг сонига эътибор бериш талабаларнинг унга бўлган қизиқишини пасайтиради, бефарқликка сабаб бўлади.

Талабалар тарбиявий ишларини ташкил қилишдаги характерли камчиликлардан яна бири унинг ғоявий, сиёсий, ахлоқий йўналишини белгилай олмаслик. Айрим тарбиячилар тарбиявий жараёнда унинг йўналишларининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигини англамай маънавий-ахлоқий тарбияни фақат ҳафталик гуруҳ мулоқотларида субъектлар қилади, деб тушунадилар. Талабалар тарбиявий ишининг самарадор ва таъсирини бўлиши кўп жиҳатдан ғоявийлик, ахлоқийлик унинг белгиловчи мезони иш бўлишига боғлиқдир.

Талабалар тарбиявий ишида педагогик раҳбарлик ташаббус, мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини тарбиялаш билан яхлит тизим сифатида олиб борилса юқори самара беради.

РУС ТИЛИГА КАЛЬКА АСОСИДА ЎЗЛАШГАН АНДРОИД ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ИМЛОСИ Махаммадов Б.- ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари, НавДПИ.....	166
ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ Воҳидова М.Т.- доцент, “Ижтимоий фанлар” кафедраси, Тўлкинов С.- Технологик жараёнларни бошқариш технологияси факультети талабаси, БухМТИ.....	168
УРАЛ ХУДУДЛАРИГА САФАРБАР ЭТИЛГАН “МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ”НИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ Х.Курбонов, тарих фанлари номзоди, доцент- Навоий давлат педагогика институти, Навоий. ....	170
<b>“ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ” А.М.Кадиров- БухДУ профессори.....</b>	<b>176</b>
МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН АҚЛИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА БАЙНАЛМИНАЛ АХЛОҚИЙ, ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ Кадирова Нозима Арифовна-БухДУ уқитувчиси.....	177
ЁШЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ Равшанов Ойбек Хайруллаевич Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси.....	179
МАНМУД ҚОШГ`АРИЙНИНГ “DEVONU LUG`OTIT TURK” ASARIDAGI SHE`RIY TO`RTLIKLAR TANLILI Hojiyeva M.E.- 2-kurs magistr, NavDPI.....	183
ТРАНСПОЗИЦИЯ ИМПЕРАТИВА В СОВРЕМЕННОМ РУССКОМ ЯЗЫКЕ Жумаева Ф.Р., Каххарова Д.Ш.- Навоийский государственный педагогический институт.....	184
TARIXIY DRAMADA PLEONAZMNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI Yo`ldosheva D.X.- 1-bosqich tayanch doktoranti,NavDPI.....	187
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ҚАДРИЯТЛАРГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ Мансурова М.Ю. – “Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч доктаранти.....	189
ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАСВИРИЙ САВОДХОНЛИККА ОИД КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Комилова Д.- 2- курс магистр, НавДПИ.....	191
O'ZBEKISTON VA INGLIZZABON MAMLAKATLAR MA`DANIYATINI O'RGATISHDA INNOVATSION TA'LIM TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH Mamurova F.N. –magistr, NavDPI.....	193
ВАЖНЕЙШИЕ ПРИОРИТЕТЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ	

---

---

ZAMONAVIY OLIY TA'LIM TIZIMI:  
MUAMMO VA YECHIMLAR

Xalqaro ilmiy konferensiya,  
2022-yil 22-noyabr

© Navoiy davlat pedagogika instituti, 22.11.2022 й.

Босишга рухсат берилди: 22.11.2022 й. Қоғоз бичими 80x64. 1/8  
Ҳажми 27. босма табоқ. Адади 100 нусха.  
Босмахона манзили: Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси 45-уй,  
НавДПИ кичик босмахонаси

---

---